

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**НАДЖИМИТДИНОВ ЖАСУР ХАТАМДЖАНОВИЧ**

**МИССИОНЕРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ МАЗМУНИ  
ВА ЎЗБЕКИСТОНДА НАМОЁН БЎЛИШИНING  
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по историческим наукам**

**Наджимитдинов Жасур Хатамджанович**

Миссионерликнинг ижтимоий-тарихий мазмуни ва Ўзбекистонда намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари .....3

**Nadjimitdinov Jasur Khatamdjanovich**

Social and historical meaning of missionary and singularities of its occurrence in Uzbekistan .....23

**Наджимитдинов Жасур Хатамджанович**

Социально-историческое значение миссионерства и особенности его проявления в Узбекистане .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works  
Список опубликованных работ.....45

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**НАДЖИМИТДИНОВ ЖАСУР ХАТАМДЖАНОВИЧ**

**МИССИОНЕРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ МАЗМУНИ  
ВА ЎЗБЕКИСТОНДА НАМОЁН БЎЛИШИНинГ  
ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PHD/Tar354 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг [www.iaa.uz.uz](http://www.iaa.uz.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исламов Зоҳиджон Маҳмудович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хасанов Аҳаджон Аҳмаджонович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Тўраев Бахтиёр Омонович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «28 июль» соат 14:00 даги онлайн/оффлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: [info@iaa.uz](mailto:info@iaa.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (94-рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: [info@iaa.uz](mailto:info@iaa.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «  » \_\_\_\_\_ тарқатилди.

(2022 йил «  » \_\_\_\_\_ даги -рақамли реестр баённомаси)



**Д.Р.Махсудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc), доцент

**С.А.Рустамий**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фан доктори (DSc), доцент

**Н.А.Муҳамедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида миссионерлик фаолиятига алоқадор, тараққиётнинг ҳозирги босқичида кузатилаётган жараёнлар ёки уларга мазмунан яқин бўлган ҳолатлар ўтмишда ҳам юз берганини кўриш мумкин. Миссионерлар томонидан амалдаги қонунчилик талабларига зид фаолият олиб бориш, кишиларнинг соғлиғи ва жамоат хавфсизлигига хавф солиш, психотроп моддалардан фойдаланиш, гипноз технологияларини қўллаш натижасида келиб чиқаётган ҳамда келажакда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларга аҳамият қаратиш зарурати пайдо бўлмоқда. Шу мақсадда миссионерлик жараёнларини тарих призмасида ўрганиш, мозийда юзага келтирган оқибатларидан бохабар бўлиш, ушбу феноменга бугунги кунда ёндашув стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда дин, жамият ва миссионерлик масалаларининг симбиози таҳлили ҳар бир давлатнинг диний-сиёсий вазияти, миллий манфаатлари доирасида тўлақонли, объектив тарзда янги ёндашувлар орқали тадқиқотларда акс этмоқда. Дин ва сиёсатга доир масалаларнинг янги контекстда, креатив тафаккур ҳамда ҳуқуқий демократик тамойиллар билан йўғрилган ҳолда жамиятнинг ментал, маданий ҳаётига уйғунлашиб кетган анъанавий дин омилини тарихий илдизлари билан бир бутунликда стратегик тарзда комплекс таҳлил қилишга эътибор қаратилмоқда. Юқорида келтирилган илмий ишларда, миссионерлик ва прозелитизм масаласига асосан фалсафий жиҳатдан, умумий контекстда ёндашилган. Бугунги кунда ушбу масалада диншунослик ракурсидан тарихий тадрижий ёритилган, бирламчи манбалар асосида далилланган ва жамиятдаги салбий оқибатларига доир конкрет методологик ёндашувларга оид тадқиқотлар етишмовчилиги кузатилади. Миссионерликнинг ижтимоий-тарихий хусусиятларини ўрганиш билан ушбу йўналишдаги илмий изланишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган кўплаб ишлар амалга ошириб келинмоқда. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш UNESCO” кафедраси томонидан талабаларига “Динлардаги оқимлар ва секталар” фани ўқитилиши, Академиянинг “Малака ошириш маркази”да имом хатиблар ва давлат ташкилотлари ходимлари учун “Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари” курси ташкил этилиши, Ҳарбий олий таълим муассасалари ходимлари малакаларини оширишга қаратилган қўлланмаларда тадқиқотга алоқадор мавзуларнинг акс этиши шулар жумласидандир. Шу нуқтаи назардан, миссионерлик тарихи, Ўзбекистонда намоён бўлишининг тарихий босқичлари ва кўринишларини тизимли тадқиқ этиш билан мамлакатимизда бу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миссионерлик билан боғлиқ тадқиқотларни бир неча йўналишларга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи йўналишда Ф.Жонсон, Д.Бebbингтон, А.Дворкин, Р.Такер, Н.Трофимчук, М.Свищев<sup>1</sup> каби Ғарб ва рус олимлари илмий изланишларини келтириш ўринли. Ушбу тадқиқотларда анъанавий динлар – католиклик, православлик, классик протестант йўналишларининг миссионерлик фаолияти ижобий, янги диний ҳаракатлар томонидан амалга ошириладиган сектант миссионерлиги салбий феномен сифатида баҳоланади.

Иккинчи йўналишдаги муаллифлар ўзлари муайян секта тарафдори бўлиб, улар миссионерликнинг ҳар қандай шаклини ижобий феномен, диний бурч сифатида ёндашадилар. Бунга Б.Грехем, В.Ли, Л.Палоу, Ж.Куинн, П.Врайтларнинг тадқиқотлари мисол бўлади<sup>2</sup>.

Учинчи йўналишдаги ишларда миссионерлик асосан ғаразли сиёсий мақсадларни кўзлайдиган фаолият сифатида баҳоланади. З.Арслантурк, Э.Ташжи, С.Хайдари, Ш.Гундуз, М.Айдин, Г.Эрдем каби олимларининг

---

<sup>1</sup> Johnson, Phil. The History of Evangelicalism. Pulpit Magazine, 2009; Bebbington, David W. Evangelicalism in Modern Britain: A History from the 1730s to the 1980s. - London: Routledge, 1993; Дворкин А. Сектоведение: тоталитарные секты. Опыт систематического исследования. - Нижний Новгород: Издательство братства во имя св. князя Александра Невского, 2002; Такер Рут. От Иерусалима до края земли: История миссионерского движения. Серия: Энциклопедия христианства. / Второе издание, исправленное и переработанное. Перевод с англ. - СПб.: Мирт. 2001. – 524 с; Трофимчук Н.А., Свищев М.П. Экспансия / Кафедра религиоведения РАГС при Президенте РФ. –Москва: Изд-во РАГС, 2000. – 218 с; Трофимчук Н.А., Свищев М.П. Миссионерская деятельность в системе политических от ношений // Социология власти. – Москва, 1998. - № 2-3. – С. 92-166.

<sup>2</sup> Graham B. Steps to peace with God. – Garland, 1997. – 89 p.; Lee W. The all-inclusive spirit of the Christ. –Los-Angeles, 1969. – 181 p.; Lee W. The Practical Expression of the Church. –Los-Angeles, 1970. – 86 p.; Lee W. Life-study of Genesis. – Los-Angeles, 1977. – 145 p.; Palau L. The greatest decision. -Garland, 1997, – 125 p.; Quinn J. Christ be besides me // Seasonal Missalette. The forty days of lent.- New York., 1998. Vol. 14. №3. – 45 p.; Wraight P. What's God onto me? -Eastbourne, 1974. – 46 p.

тадқиқотларида миссионерликнинг ижтимоий-тарихий мазмуни, мақсадлари, стратегияси ҳамда глобал сиёсатдаги ўрни ҳам муҳокама қилинган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда миссионерлик ва прозелитизм алоҳида тадқиқот сифатида С.Яздонова, М.Мусаев, Ҳ.Обломуродова ва Э.Ахмедовлар томонидан таҳлил қилинган<sup>4</sup>. Ушбу илмий изланишларда тадқиқотларда асосан мавзунинг ижтимоий фалсафий жиҳатлари очиб берилиб, Ўзбекистон мисолида маънавий таҳдид сифатида баҳоланган. Тадқиқотчи М.Мусаев глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларининг сиёсий омиллари ҳамда миллий ҳаётга таҳдиди нуқтаи назаридан тадқиқ қилган. Шунингдек, мазкур муаммо А.Очилдиев, Б.Тўраев, М.Бекмуродов, Э.Ибрагимов, Д.Раззоқов каби ўзбекистонлик олимларнинг илмий тадқиқотларида мавзуга дахлдорлиги нуқтаи назаридан ўрганилган<sup>5</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-041 – “Ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва унинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган диншунослик атамалари қомусини яратиш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миссионерликнинг ижтимоий-тарихий мазмуни ва Ўзбекистонда намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагиларда ўз аксини топади:

- миссионерлик ва прозелитизм масаласи тадқиқига оид илмий ёндашувларни қиёсий-таҳлилий жиҳатдан очиб бериш;

- жаҳон динларидаги миссионерликка оид ташкилий ва ғоявий асослар эволюциясини ёритиш;

- христиан миссионер халқаро уюшмалари фаолияти хусусиятларини кўрсатиб бериш;

---

<sup>3</sup> Zeki Arslantürk. Genel Olarak Misyonerlik Faaliyetleri, Başlıklı Sempozyumda Sunulan Müzakere. Türkiye'de Misyonerlik Faaliyetleri Ensar Nesriyat. - İstanbul, 2004, –384 s; Erkan Tasci. Din sosyolojisi açısından misyonerlik ve günümüz islam toplulukları. - İstanbul, 2006. – 74 s; Hajdari S. Tarihî süreç içerisinde misyonerlik ve misyonerlerin etim faaliyetleri. İHH İnsani ve Sosyal Araştırmalar Merkezi, 2016. – S. 100; Gündüz Sinasi ve Aydın Mehmet. Misyonerlik. – İstanbul: Kaknüs Yayınları, 2002. – S. 251; Erdem Gazi. Misyonerlik ve Misyonerlerin Çalışma Metotları. – Ankara: Diyanet İlmî Dergi, 2002. – S. 120.

<sup>4</sup> Яздонова С. Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фал. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд: 2012; Обломуродова Ҳ. Глобаллашув шароитида миссионерлик: уни олдини олишнинг усул ва воситалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фал. фан. фал. док. (PhD) ... дисс. –Тошкент, 2020; Ахмедов Э. Миссионерлик ҳаракатининг миллий-маънавий тараққиётга таҳдиди ва унинг олдини олиш омиллари. Фал. фан. фал. док. (PhD) ... дисс. Автореф. –Тошкент: 2021; Мусаев М. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият ҳавфсизлигига таҳдиди. Сиё. фан.фал. док.(PhD) ... дисс. –Тошкент: 2018.

<sup>5</sup> Очилдиев А.С. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –134 б; Тўраев Б. ва б. Маънавий таҳдидлар: миссионерлик ва прозелитизм (моҳияти, келиб чиқиши, шакллари, муаммолар). – Тошкент: Мовароуннахр, 2011; Бекмуродов М. Миссионерлик ва прозелитизм: мақсадлар, вазифалар, усуллар. /Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув-услубий семинарлар бўйича материаллар тўплами. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. –Тошкент: 2012. –Б 253-262; Ибрагимов Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тугган ўрни. Тар. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 2010. – 104 б; Раззоқов Д. Миссионерлик фаолиятининг маънавийатимизга таҳдиди ҳақида // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. –Тошкент: 2014. – №2. – Б. 66-69.

- христиан ва псевдохристиан ташкилотлари фаолиятидаги миссионерлик амалиёти механизмларини таснифлаш;

- христиан миссионерлигининг бурилиш нуқтаси бўлган “евангелизация” ва “экуменизм”нинг моҳиятини очиб бериш;

- Ўзбекистонда миссионерликнинг намоён бўлиш шакллари ва олдини олиш чораларини ёритиш;

- деструктив секталарга қарши курашда халқаро тажриба ва реабилитация амалиётларини кўрсатиб бериш;

- миссионерлик оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари, олимлар ва илмий муассасаларнинг вазифаларини ёритиш ҳамда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** миссионерлик тушунчаси ва Ўзбекистонда миссионерлик тарихи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** миссионер ташкилотларининг Ўзбекистон қонунларига зид фаолияти, миссионерликни амалга ошириш услублари ва унинг олдини олиш йўлларида иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлаштириш, анализ ва синтез, сабабийлик, статистик, қиёсий каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жаҳон динларининг тарихий ривожланиш босқичларида “миссионерлик” тушунчаси турлича талқин қилиниб, динлар тарқалиши табиий жараён сифатида қабул қилинган ўрта асрларда – ижобий, бироқ кўпконфессияли бугунги глобал жамиятда халқлар ўз анъана ва қадриятлари, ғоя ҳамда тафаккур тарзини сақлаб қолишга интилаётган бир даврда – салбий баҳоланиши очиб берилган;

диний миссияни етказиш масаласи жаҳон динларидан буддавийликда ихтиёрий аҳамиятга эгаллиги ва “тор доира” вакилларига юклангани сабабли мазкур дин кенг тарқалмай қолганлиги, насронийликда эса, “Худонинг даъватини ҳамма жойга етказиш” миссияси бирламчи вазифа сифатида белгиланганлиги натижасида ушбу диннинг кенг тарқалгани исботланган;

“миссионерлик” диний манба ва илмий адабиётларда диний тарғиботнинг бир кўриниши сифатида қабул қилинса-да, бугунги кундаги айрим секталар ва “янги диний ҳаракатлар” томонидан ушбу тушунча остида анъанавий ижтимоий тизимларга таъсир ўтказиш, давлат институтлари фаолиятига аралаштиришга ҳаракат қилаётгани натижасида сиёсий мазмун касб этгани далилланган;

ўзбек жамиятидаги исломгача мавжуд бўлган анъаналардан миллий либосларда учрайдиган “хочсимон” нақшлар, маййитни дафн этишдан олдин сақлаб туриш – «ўлик қўндириш» (маййитни 3 кунгача дафн этмаслик) маросими ҳамда ўзбек адабиётининг анъанавий услуби бўлган «талмех» (تلمیح) жанридаги шеърларни масиҳийлик билан боғлаш ҳолатлари замонавий миссионерларнинг тарғибот воситаларига айлангани аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

«миссионерлик» ва «прозелитизм»га қарши курашда хорижий тажрибани таҳлил қилиш орқали, Ўзбекистон қонунчилигидаги бу борадаги чекловлар халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид келмаслиги исботланган;

ахборот технологиялари ривожланган даврда миссионерлик ва прозелитизм фаолиятини амалга оширишда коммуникация воситалари – рақамли гаджетлар, дастурий таъминотлар, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида олиб борилаётган ҳаракатлар очиб берилган;

«миссионерлик»га қарши кураш воситалари, хусусан, қонуний чоралар кўриш ҳамда маънавий-мафкуравий тарғиботларни ташкил қилиш орқали ғоявий иммунитетни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

«миссионерлик» ва «прозелитизм» ғояларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга салбий таъсирларини бартараф этишда маҳалла, хотин-қизлар билан ишлаш ҳамда ёшлар ташкилотларининг вазифалари кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Хорижий тиллардаги бирламчи манбалар, тадқиқотлар ҳамда аналитик маълумотлардан фойдаланилгани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти миссионерлик ва унга боғлиқ бўлган тушунчаларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари, ушбу ҳаракатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва психологик жиҳатдан хавфли фаолият экани, миссионерликнинг тарихий босқичлари, турли динлардаги тарғибот услублари, Ўзбекистонда намоён бўлиш шакллари юзасидан илмий хулосалар чиқариш имконини бериши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги назарий хулосалар, амалий таклифлар ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хизматлари амалиётида, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ҳамда республика таълим тизимининг барча босқичларидаги таълим-тарбия жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Миссионерликнинг ижтимоий-тарихий мазмуни ва Ўзбекистонда намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

жаҳон динларининг тарихий ривожланиш босқичларида “миссионерлик” тушунчаси турлича талқин қилиниб, динлар тарқалиши табиий жараён сифатида қабул қилинган ўрта асрларда – ижобий, бироқ кўпконфессияли бугунги глобал жамиятда халқлар ўз анъана ва қадриятлари,

ғоя ҳамда тафаккур тарзини сақлаб қолишга интилаётган бир даврда – салбий баҳоланиши очиб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосида тайёрланган «Диншунослик» комусий луғати, «Дунё динлари тарихи», «Диншунослик» ўқув қўлланмаларини мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 16 мартдаги 02-03/1776-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда динлараро бағрикенглик ва тотувликка таҳдид солаётган хуружларнинг олдини олиш, ёшларни соғлом эътиқод ва бағрикенглик руҳида тарбияланишига хизмат қилган;

диний миссияни етказиш масаласи жаҳон динларидан буддавийликда ихтиёрий аҳамиятга эгаллиги ва “тор доира” вакилларига юклангани сабабли мазкур дин кенг тарқалмай қолганлиги, насронийликда эса, “Худонинг даъватини ҳамма жойга етказиш” миссияси бирламчи вазифа сифатида белгиланганлиги натижасида ушбу диннинг кенг тарқалгани исботлангани тўғрисидаги илмий хулосалардан давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланган «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» номли китоб мазмунига сингдирилган (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 14 мартдаги 02/128-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчида Ўзбекистон бағрикенглик диёри сифатида жаҳоннинг кўп мамлакатларига намуна бўлиши, миссионерлик ҳаракатлари айнан шу – динлараро тотувликка салбий таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар шаклланишига таъсир қилган;

“миссионерлик” диний манба ва илмий адабиётларда диний тарғиботнинг бир кўриниши сифатида қабул қилинса-да, бугунги кундаги айрим секталар ва “янги диний ҳаракатлар” томонидан ушбу тушунча остида анъанавий ижтимоий тизимларга таъсир ўтказиш, давлат институтлари фаолиятига аралаштиришга ҳаракат қилаётгани натижасида сиёсий мазмун касб этгани далиллангани ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг «Жаҳолатга қарши маърифат» экспозицияси бўлими экспонатларини тайёрлашда фойдаланилган. (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2022 йил 11 мартдаги 171/22-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижа жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашга асос бўлишига хизмат қилган;

ўзбек жамиятидаги исломгача мавжуд бўлган анъаналардан миллий либосларда учрайдиган “хочсимон” нақшлар, маййитни дафн этишдан олдин сақлаб туриш – «ўлик қўндириш» (маййитни 3 кунгача дафн этмаслик) маросими ҳамда ўзбек адабиётининг анъанавий услуби бўлган «талмех» (تلمیح) жанридаги шеърларни масиҳийлик билан боғлаш ҳолатлари замонавий миссионерларнинг тарғибот воситаларига айлангани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосида чоп этилган «Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашнинг маънавий-маърифий усуллари ва воситалари» китобини мазмунига сингдирилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 14 мартдаги 32/1-сон маълумотномаси). Натижада

аҳоли, айниқса ёшлар орасида миссионерлик ва прозелитизм шаклидаги турли ёт ғояларнинг тарқалиши, маънавий ҳаётимизга жиддий таҳдид туғдириши мумкинлигига оид қарашлар шаклланишига хизмат қилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шундан 3 та рисола, 2 та ўқув қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, саккиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миссионерлик ва прозелитизмни таҳлил қилишнинг назарий методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «миссионерлик» ва «прозелитизм» атамалари таърифи ва тарихи, «диний омил», «секта», «тоталитар секта», «культ», «деструктив культ», «янги диний ҳаракатлар» каби тушунчаларга илмий адабиётларда берилган изоҳ ва шарҳлар, миссионерликнинг таҳдидга айланиши ҳамда сиёсий мақсадларга эришиш воситаси сифатида ўрганилган.

Диссертацияда диншунослик призмасидан миссионерлик космополитик хусусиятига эга барча динлар учун хос, табиий фаолият сифатида ёритилган. Ушбу фаолият динларнинг муқаддас манбаларидан мотивланиб, илоҳий бурч сифатида баҳоланган. Ижтимоий-сиёсий томондан миссионерлик бир халққа хос дин ва маданиятни бошқа халқларга етказиш инструменти вазифасини бажаради. Тарихий шароит, сиёсий-ижтимоий вазият ҳамда энг асосийси, ундан кўзланган мақсадлардан келиб чиқиб, миссионерлик салбий маънода қўлланилиши билан бир қаторда ижобий характер ҳам касб этиши мумкинлиги кўрсатилган.

Миссионерлик амалиётига асосан «янги диний ҳаракатлар», «секта» ва «культ»лар кўпроқ урғу бериши қайд этилган. Фанда ҳозирга қадар «янги диний ҳаракат» тушунчаси бўйича ягона тўхтамага келинган эмас. Ушбу контекстда,

соҳа мутахассислари орасида «янги» атамаси талқини борасидаги мунозаралар мавжуд. Кўпчилик олимлар нуктаи назарига кўра, ушбу атама христианлик, яҳудийлик, ислом, ҳиндуийлик, буддавийлик каби йирик ва қадимий динлардан кўра нисбатан кечроқ юзага келган оқимларга нисбатан қўлланилади<sup>6</sup>. Улар учун хос бўлган умумий хусусиятлар қаторида замонавий дунё муаммоларига инновацион диний ечимларни таклиф қилиш, анъанавий динларга муқобил таълимот сифатида намоён бўлиш, плюралистик ва синкретик характер, издошларидан қатъий садоқат ва итоаткорликни талаб қилиш, оила ҳамда бошқа анъанавий ижтимоий институтлар ўрнини босишга даъво қилиш кабиларни санаб ўтиш мумкин<sup>7</sup>.

«Секта» атамаси лотин тилидаги *sequi* – “эргашиш” сўзидан келиб чиққан. Даставвал у салбий маъно касб этмай, кишининг фикрлаши, турмуш тарзини, шунингдек, шахс мансуб бўлган сиёсий партия ёки фалсафий мактабни билдирган<sup>8</sup>. «Диний секта» деганда эса эътироф этилган йирик диний йўналишларнинг расмий ақидаларидан фарқли тарзда фаолият олиб борадиган гуруҳлар тушунилади. Мазкур тушунча мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бугунги кунда дунёда тахминан 5000 атрофида секталар фаолият кўрсатмоқда.

«Култ» – кичик, аммо фаол диний ҳаракат бўлиб, қоида тариқасида, харизматик етакчи томонидан бошқарилади. Ушбу атама XX аср ўрталарида диншунос олим ва социолог Г.П.Беккернинг таклифи билан амалиётга киритилган. «Култ» сўзи одатда «секта» тушунчаси билан синоним ҳисобланса-да, Ғарб адабиётида «секта» кўпинча нейтрал маънода, «култ» эса аниқ салбий маънода қўлланилади. Култ ўзининг ғайриоддий диний, маънавий, фалсафий эътиқоди ёки маълум бир шахс, объект ё бўлмаса мақсадга умумий қизиқиши билан бошқалардан ажралиб турадиган ижтимоий гуруҳдир<sup>9</sup>. Ноқонуний фаолият билан шуғулланадиган секталар кўпинча деструктив (бузғунчи) култлар деб аталади. Бундай тузилмаларга одатда сатанистлар ва бошқа янги диний оқимлар киради<sup>10</sup>.

Диссертацияда дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, жамиятни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири экани, бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган давлатларда миллий бирликни таъминлаш қийин кечиши илмий назариялар ва амалий мисоллар билан очиб берилган. Хусусан, Ливан, Сербия, Словения, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговина каби давлатларда юзага келган вазиятларни таҳлил қилиш орқали миссионерлик ҳаракатлари ортида

<sup>6</sup> Oliver, Paul. *New Religious Movements: A Guide for the Perplexed*. London; New York: Continuum, 2012. –P. 13-14.

<sup>7</sup> Қаранг: Rubinstein, Murray. *New religious movement*.// *Encyclopedia Britannica*, 25 Feb. 2019, <https://www.britannica.com/topic/new-religious-movement>. Accessed 4 January 2022.

<sup>8</sup> Қаранг: Weber, Nicholas. *Sect and Sects*. *The Catholic Encyclopedia*. Vol. 13. New York: Robert Appleton Company, 1912. 4 Jan. 2022 <<http://www.newadvent.org/cathen/13674a.htm>>.

<sup>9</sup> Zablocki, Benjamin David, Robbins, Thomas. *Misunderstanding Cults: Searching for Objectivity in a Controversial Field*. University of Toronto Press, 2001. – P. 473.

<sup>10</sup> <https://w.histrf.ru/articles/article/show/kult>

жамиятни диний асосда ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётиши кўрсатиб берилган.

Миссионерлар томонидан амалдаги қонунчилик талабларига зид фаолият олиб бориш, кишиларнинг соғлиғи ва жамоат хавфсизлигига хавф солиш, хусусан, психотроп моддалардан фойдаланиш, гипноз технологияларини қўллаш амалиёти ва бунинг оқибатида келиб чиқаётган ҳамда келажақда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар асослаб берилган.

Тадқиқотда жаҳон динлари сирасига кирувчи буддавийлик, христианлик, исломда миссионерлик ва прозелитизм амалиётига ўзига хос ёндашувлар ҳамда тарихий жараёнлардаги босқичлар таҳлил қилинади. Хусусан, буддавийлик динида миссионерлик ҳаракатларининг авж олиши милоддан аввалги III асрда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Маурья сулоласи вакили, император Ашока (304-232) фаолияти билан боғланади<sup>11</sup>. Дастлабки буддавий миссионерлар «Дхарма бханака» деб номлангани ҳамда буддавийларнинг абадий ғилдираги – дхармачакра ҳам айнан миссионерлик қилиш маъносида талқин қилиниши очиб берилган.

Аввал бошида брахманликнинг бир оқими сифатида қабул қилинган буддавийлик, императори Ашока саъй-ҳаракатлари билан алоҳида дин сифатида Жанубий, Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё ҳудудларига тарқалган. Кейинчалик, Кушонлар даврида буддавийлик ўз ривожининг иккинчи босқичини босиб ўтиб, Хитой, Корея ва Японияга қадар етиб борган. Буддавий миссионерлигида асосан уч омил, яъни кўчманчи роҳиблар, давлатлар (Маурья, Кушон) сиёсати ҳамда миграцион жараёнлар катта аҳамиятга эга бўлган.

Христианлик динида миссионерликни Исо Масих ва унинг ҳаворийлари бошлаб берганига ишонилади. Библиянинг Янги Аҳд қисмида келтирилган мазкур таълимот асосида барча христиан миссионер ташкилотлари, черковлар ўз фаолиятини ташкил этган. Насроний миссионерлигининг кенг ёйилишида илк христианларнинг қувғин қилиниши натижасида уларнинг бутун дунё бўйлаб тарқалишлари, Рим империяси томонидан христианликнинг давлат дини сифатида эътироф этилиши, Ғарб давлатларининг колониал сиёсати, европалик миссионер-диншуносларнинг экспедициялари муҳим аҳамият касб этган. Бугунги кунда барча диний миссияларнинг 2/3 қисми христианликнинг турли йўналишлари томонидан амалга оширилади.

Ислом динида миссионерлик Пайғамбар Муҳаммад (а.с.) ва издошлари томонидан амалга оширилган. Муслмон терминологиясида миссионерлик маъносида «даъват» атамаси ишлатилади. Исломий миссионерликни амалга оширишда тасаввуф тариқатларининг шаклланиши, муслмон савдогарларининг фаолияти ҳамда муслмон давлатлари томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатларнинг ўрни катта бўлган. Замонавий ислом миссионерлиги ривожидида XX асрнинг иккинчи ярмида араб кўрфази давлатларида углеводород

---

<sup>11</sup> Қаранг: Wangu M.B. World religions: Buddhism. Fourth edition. Chelsea House Publishers. 2014. – P. 36-38; <http://historic.ru/books/item/f00/s00/z0000015/st008.shtml> (09.07.2021); Sen, T. (2015). The spread of Buddhism. In B. Kedar & M. Wiesner-Hanks (Eds.), The Cambridge World History (The Cambridge World History, – P. 447-480). Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/CBO9780511667480.018.

конларининг аниқланиши ҳамда Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, БАА каби давлатларнинг бойиб кетиши катта роль ўйнади.

Тарихий жараёнларда миссионерликнинг асосий акторлари ҳам ўзгариб борган. XIX асар охири – XX аср ўрталарига қадар миссионерлик фаолияти билан асосан буддавийлик, христианлик ва ислом динлари вакиллари шуғулланган бўлса, XX асрнинг бошидан бу роль тўлиғича необуддистлар, иеговочилар, мормонлар, саентологлар, сатанистлар, баҳоийлар, ахмадийлар, кришначилар каби янги диний ҳаракатлар вакиллари қўлига ўтган.

Диссертациянинг «**Миссионерлик услуб ва воситаларининг хусусиятлари**» номли иккинчи бобида миссионерликнинг глобал кўриниш касб этиши, хусусан, христианлик доирасида халқаро миссионер уюшмаларининг юзага келиши, улар фаолиятининг тарихий таҳлили, миссионерликни амалга оширишда қўлланиладиган классик ва замонавий механизмлар, глобал христианликка хос бўлган «экуменизм»<sup>12</sup> ва «евангелизация»<sup>13</sup> ҳаракатларининг тарихий-ижтимоий хусусиятлари очиб берилган.

1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтган «Бутунжаҳон миссионерлик конференцияси» христиан динидаги экуменистик ғояларнинг ривожланишига сабаб бўлган. 1948 йилда «Бутунжаҳон черковлар кенгаши»нинг ташкил этилиши экуменистик ҳаракатларнинг соф протестантлик доирасидан чиқиб, умумхристиан аҳамиятга эга бўлишига йўл очган. Бутунги кунда ушбу Кенгашга Оссурия черкови, Шарқий православ черковларининг аксар юрисдикциялари, эски католик черкови, лютеран, англикан, меннонит, методист, морав ва ислохотчи черковлар, баптист ва пятидесятниклар тўлиқ аъзо экани, Рим католик черкови тўлиқ аъзо бўлмаса-да, Кенгаш йиғилишларига ўз делегатларини юбориши ушбу фикрнинг асосли эканини кўрсатади.

Папа Павел VI ташаббуси билан 1962-1965 йиллар давомида ўтказилган II Ватикан Кенгаши<sup>14</sup> католикликда замонавий миссионерликнинг бурилиш нуқтаси бўлган. Ушбу Кенгаш кун тартибидаги энг муҳим масала диний миссияларни янги босқичга олиб чиқиш бўлган. II Ватикан Кенгашидан сўнг католикликнинг асосий миссионерлик органи бўлган «Эътиқодни тарғиб қилиш Кенгаши»нинг аҳамияти оширилиб, 1988 йилда унинг номи «Халқларни христианлаштириш Кенгаши», деб ўзгартирилди.

XX аср христиан миссионерлиги учун характерли бўлган жиҳатлардан яна бири глобал хайрия ва нодавлат ташкилотлар шаклида фаолият олиб бориши ҳисобланади.

Диссертацияда «Етимлар учун христиан иттифоқи», «Етимларсиз дунё», «Етимларсиз Ғарбий Африка», «Жаҳонга нигоҳ», «Меҳр-шафқат», «Дунё

<sup>12</sup> «Экуменизм» (юн. oikoumenē - «яшайдиган дунё», oikos - «уй») – турли христиан йўналишлари ва жамоалари ўртасида яқинроқ муносабатларни ривожлантириш орқали насроний бирликни топишга уриниш.

<sup>13</sup> «Евангелизация» (юн. «евангелион» - хушхабар) – протестантлик таркибидаги бутун дунё бўйлаб тарқалган экуменик ҳаракат. Ушбу ҳаракат XVIII асрда Буюк Британия ва унинг Шимолий Америкадаги мустамлакаларида пайдо бўлди.

<sup>14</sup> Католик черковининг XXI Бутунжаҳон Собори. 1962 йил 11 октябрда Папа Иоанн XXIII ташаббуси билан чақирилиб, 1965 йил 8 декабрда давом этган. Кенгашда черков ҳаёти билан боғлиқ қатор муҳим ҳужжатлар – 4 та конституция, 9 та фармон ва 3 та декларация қабул қилинган. Кенгашда қабул қилинган ўзгаришлар католик жамоатчилигининг энг консерватив қисми томонидан рад этилди, натижада "Авлиё Пий X нинг руҳонийлар биродарлиги" каби гуруҳлар ажралиб чиқди.

етимлари», «Халқаро муҳандислик миссиялари», «Самарияликнинг ҳамёни», «Халқаро бирлашган пятидесятник черковлари» каби ташкилотлар фаолияти таҳлил қилинган. Бундай институтлар болалар ва ёшлар орасида олиб борадиган ишлари билан келажак учун «уруғ экиш» вазифасини бажариб, хайрия кўрсатилган давлатлар, муассасалар ва шахсларда миннатдорлик, қарздорлик ҳиссини шакллантиришни мақсад қилганлар. Бир қарашда инсоният равнақи, дунёда тинчлик ўрнатиш, мухтож бечораларга беғараз кўмак беришга қаратилган дастурлар ортида, аксарият ҳолларда кишилар орасида ёт дин ва дунёқарашни сингдиришдек ғаразли мақсадлар кўзланади.

Жамият тараққий этгани сайин миссионерликнинг услуб ва воситалари ҳам такомиллашмоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур бобда, тарихнинг турли босқичларида христиан миссионерлик ташкилотлари томонидан диний тарғиботларни бажаришда ишлаб чиқилган усул ва воситалар ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Миссионерлик усуллари деб, ушбу амалиётни самарали равишда амалга ошириш учун, муайян тажриба ва илмий асосга таянган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда тизимлилик характериға эға назарий хатти-ҳаракатлар мажмуасига айтилади. Миссионерлик воситалари деганда эса – мавжуд услублар асосида диний даъватни омма орасида кенгрок тарқатишда ёрдам берадиган, ушбу жараёни осонлаштирадиган амалий хатти-ҳаракатлар назарда тутилади.

Ўрганишлар миссионерлар тарихий тажриба, илмий-фалсафий ёндашув асосида тизимлашган тарғибот усуллариини ишлаб чиққанларини кўрсатмоқда. Айниқса, христианлик дини бу борада катта натижаларға эришган. Мутахассислар фикриға кўра, христиан миссионерлари кўллайдиган усулларнинг энг кўзға кўринганлари бу насронийликка мослаштириш, маданий мослашув, контекстуализация ва динлараро диалог ҳисобланади<sup>15</sup>.

Насронийликка мослаштириш (*Interpretatio Christiana*) – христиан черкови томонидан аввалги динларға оид маданият элементлари ёки тарихий фактларни христиан дунёқарашига мослаштириш амалиётидир<sup>16</sup>. Ушбу атама одатда насроний бўлмаган халқларнинг диний ва маданий ҳаётига, эътиқодлари ва ғояларига насронийлик шаклини беришни англатади. Масалан, V асрдан бошлаб қадимий Рим ва Юнон худоларининг ибодатхоналари ўрниға христиан черковларини куриш амалиёти кенг кулоч ёзади. Баъзи тадқиқотчилар фикриға кўра, бугунги кунда аксар христианлар томонидан Рождество байрами нишонланадиган 25 декабрь санаси Қадимги Римда Енгиламас Куёш худосининг туғилган кунини ҳисобланган.

Маданий мослашув (инкультурация) – муайян эътиқод ёки тушунчани маҳаллий маданият ичига киритиш, адаптация қилишни билдиради<sup>17</sup>.

<sup>15</sup> Қаранг: Sevgi Altundal Hajdari (hzt.), Tarihi Süreç İçerisinde Misyonerlik ve Misyonerlerin Yetim Faaliyetleri. – İstanbul: İnsamer, 2016, – S. 19.

<sup>16</sup> Eberlein, Johann Konrad (Munich), “Interpretatio Christiana”, in: Brill’s New Pauly, Antiquity volumes edited by: Hubert Cancik and, Helmuth Schneider, English Edition by: Christine F. Salazar, Classical Tradition volumes edited by: Manfred Landfester, English Edition by: Francis G. Gentry. Consulted online on 13 July 2021 <[http://dx.doi.org/10.1163/1574-9347\\_bnp\\_e1406540](http://dx.doi.org/10.1163/1574-9347_bnp_e1406540)>

<sup>17</sup> Қаранг: Чирков Н.В. Инкультурация христианства в контексте межкультурного и межрелигиозного диалога Римско-католической церкви. // Религия и культура. 2018. –С. 144-155; Овсиенко Ф.Г. Христианская

Инкультурациянинг ёрқин мисоли сифатида дунёнинг турли мамлакатларида ибодатхоналарнинг қурилиш услуби, диний атамаларнинг маҳаллий халқлар тилига мослаштирилишини келтириш мумкин. Хусусан, Япония, Хитой каби давлатларда христиан черковлари ва мусулмон масжидлари маҳаллий пагодалар услубида қурилиб, бир қарашдан буддавий эҳромларини эслатиб юборади.

Контекстуализация – христианликда «Библия»ни кенгроқ тушуниш ва насроний бўлмаганлар томонидан яхшироқ қабул қилишга эришиш учун кенгроқ ижтимоий шароитга мослаштиришни англатади<sup>18</sup>. Масалан, «Қадимги Аҳд»нинг Забур китобидаги «Мени ювинг, мен қордан оппоқ бўламан» (50:7) сўзларини тропик минтақада истиқомат қилувчилар учун таржима қилиш жараёнида, улар қорни ҳеч қачон кўрмаганларини инобатга олган ҳолда «Мени ювинг, мен кокоснинг ичидан ҳам оппоқ бўламан», шаклида таржима қилинган.

Динлараро диалог – бу махсус тадбирлар орқали Инжилни етказиш ҳамда Инжил ва маданиятлар ўртасида алоқани таъминлашнинг ажралмас воситасидир. Бошқача айтганда, черковнинг жамиятларни христианликнинг муқаддас китобига биноан қайта тиклаш ҳамда маданиятларга кириб бориш жараёнлари диалог жараёни ичида амалга ошади. Ушбу усуллар билан бир қаторда, замонавий миссионерликда уйма-уй юриб «хушхабар» етказиш, маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилувчи адабиётларни чоп қилиш ва тарқатиш, хайрия ёрдамлари кўрсатиш, тиббий ва таълим-тарбия соҳаларига махсус кадрларни юбориш каби классик, аудио, видео ва электрон маҳсулотлар тайёрлаш, рўзнома ва ойномалар чоп этиш, теледастурлар узатиш, интернетда онлайн ўқув курслари ташкил этиш каби замонавий услублардан фойдаланилмоқда.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан протестант оламида пайдо бўлган «евангелистик» ҳаракатлар христиан миссионерлигининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. 1970-йилларга келиб евангелистлар дунёнинг турли минтақаларидаги ўз ҳамфикрларини бирлаштириш ва глобал миқёсда ҳаракат қилиш ишларини бошладилар. Шу мақсадда, Жаҳон евангелизми бўйича халқаро конгресслар ўтказила бошлади. 1974 йил Швейцариянинг Лозанна, 1989 йил Филиппиннинг Манила, 2010 йил Жанубий Африка Республикасининг Кейптаун шаҳарларида бўлиб ўтган конгрессларда глобал евангелизация стратегияси белгилаб берилди.

XX аср бошларидан евангелистлар орасида болаликдан эътиқодни сингдириш келажақда шахснинг чин христиан бўлишида муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги қарашлар ривожлана бошлади. 1937 йилга келиб Жесс Ирвин Оверхолтзер (1877-1955) томонидан “Болалар евангелизм биродарлиги”га асос солинди. Ташкилот болаларга христиан «хушхабар»ни ўргатиш ва маҳаллий христиан черковларига болаларни жалб қилишни рағбатлантиришни мақсад қилиб қўйган. 1994 йилнинг апрелида АҚШнинг Иллинойс штатида 54 та

---

инкультурация как метод сближения культур запада и востока. (<http://www.gazetaprotestant.ru/2011/05/xristianskaya-inkulturaciya-kak-metod-sblizheniya-kultur-zapada-i-vostoka/>). Дата обращения: 13 июля 2021.

<sup>18</sup> Ворохобов А.В. Христианское послание и его контекстуализация // Дамаскин. Журнал Нижегородской духовной семинарии. 2019. 4(50). –С. 10-15.

христиан ташкилотининг болалар хизмати раҳбарларини жамлаган конференцияда 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни евангелизмга жалб қилиш усуллари муҳокама қилиниб, илк бор «4/14 ОЙНА» ғояси олға сурилди. «4/14 ойна» – бу 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни евангеллаштиришга қаратилган глобал насронийлик миссиясидир. Унга кўра, болалар тўрт ёшидан бошлаб христианликни қабул қилишга ундалади.

Евангелист миссионерлар томонидан ўтказилган Конгрессларда ўзига хос кўп йиллик дастурлар ишлаб чиқилган. Шундай лойиҳалардан энг йириги бу «10/40 ОЙНА» лойиҳасидир. Режага биноан христиан миссионерлари инжиллаштириш фаолиятида асосан шимолий кенгликнинг 10 ва жанубий узунликнинг 40-даражалари орасида жойлашган ҳудудларга алоҳида аҳамият берадилар. Ер шарининг ушбу минтақаси классик геосиёсат жиҳатидан асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда Марказий Осиёнинг бир қисмини ҳам қамраб олган ушбу ҳудуд христиан миссияларининг асосий ҳаракат нуқтасига айланган.

2016 йил ҳолатига дунёда 619 миллион евангелист бўлгани қайд этилган. АҚШ евангелистларнинг дунёдаги энг катта улушига эга давлатдир. Америкалик евангелистлар мамлакат аҳолисининг чорак қисмини ташкил қилади ва мамлакатдаги энг йирик диний гуруҳдир. Транс-диний коалиция сифатида евангелистлар деярли барча протестант йўналишларида учрайди<sup>19</sup>.

Тадқиқотнинг «**Ўзбекистонда миссионерлик: тарихи ва олдини олиш йўллари**» номли бобида Ўзбекистонда миссионерлик ва прозелитизм тарихи, бугунги кунда намоён бўлишининг хусусиятлари, деструктив секталарга қарши курашда халқаро тажриба ва реабилитация амалиёти, миссионерликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари ва истиқболлари ўрганилган.

Француз сайёҳи Жан Шарден (1643-1713) ва англиялик миссионер Йозеф Вольф асарлари асосида замонавий Ўзбекистон ҳудудида христиан миссионерлари ҳақидаги илк қайдлар таҳлил қилинган. Хусусан, Ж.Шарден (1643-1713) ўзининг «Шарденнинг 1672-1673 йилларда Кавказ орти бўйлаб саёҳати» китобида, Туркистон ўлкасида истиқомат қилган ҳамда асосан табиблик фаолияти билан шуғулланган театинлар<sup>20</sup> номли католик монахлари, Йозеф Вольфнинг Бухоро яҳудийларини христианликка даъват қилгани ҳақида сўз юритади<sup>21</sup>.

Тарихий манбалар таҳлили асосида мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон ҳудудида миссионерликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида тўрт омил муҳим роль ўйнагани кўрсатиб берилган.

1. Чор аскарлари сафидаги христианликнинг турли деноминациялари вакиллари ҳамда ҳарбий руҳонийлар (капелланлар)нинг фаолияти<sup>22</sup>.

<sup>19</sup> Қаранг: <https://www.pewforum.org/religious-landscape-study/>

<sup>20</sup> Театинлар – 1524 йилда Джанпьеро Карафа ва Каэтана Театинский томонидан Италияда асос солинган католик монахлик ордени. Бошқа монахлардан фаркли равишда, театинларда дунёвий ишлар билан ҳам шуғулланиш, жамият ичида, одамлар орасида фойдали ишларни қилиш тарғиб қилинади.

<sup>21</sup> Қаранг: Шарден Ж. Путешествие Шардена по Закавказью в 1672-1673 гг. /Перевод Е.В.Бахутовой и Д.П.Косовича // "Кавказский вестник" за 1900 и 1901 гг. –Тифлис, Скоропечатня М.Мартиросянца, 1902. – С. 113.

<sup>22</sup> Қаранг: К истории христианства в Средней Азии (XIX – XX вв.). –Ташкент: Узбекистан, 1998. – С. 15.

2. Россия ички губернияларидан рус дехқонлари, Узоқ Шарқ ҳудудидан корейс миллати вакилларининг (1937 йил) Марказий Осиёга кўчириб келиниши.

